

Қамчибек Кенжа

ИШҚИНГ ТУШСА ...

Шеърлар

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981

Уз 2
К37

Кенжа Қамчибек.

Ишқинг тушса... :Шеърлар. —Т.:Адабиёт ва санъат
нашр., 1981. — 76 б.

Қамчибек Кенжанинг бу тўплами Ватан ва ҳаёт, пахта ва
деҳқон, ёшлик, муҳаббат ва бурч ҳақидаги шеърларидан ту-
зилди.

Кенжа Қамчибек. Коли полюбишь: Стихи.

Уз 2

К $\frac{70403 - 114}{М 352 (04) - 81}$ 54 — 81 4702057020

© Гафур Ғулom номидаги Адабиёт ва санъат наш-
риёти, 1981 й.

БАҒИШЛОВ

Гуркировдир қишлоғим менинг,
Андижоннинг кун чиқишида.
Ўртасида икки дарёнинг,
Ул ҳамиша ўнгу тушимда.
Қўмсагайман бугун олисда
Ҳовлимизнинг намхуш тупроғин.
Ҳисларимга ошно бир ҳисда
Шовуллайди толлар япроғи.
Ўз қўлим-ла ўтқазган гуллар
Қитиқлайди туйғуларимни,
Қорадарё бетинч гувиллар,
Олиб кетар уйқуларимни.
Хув, мажнунтол мактаб боғида
Сувга айтиб тушини ҳануз,
Узоқ кетган ёри доғида
Куйган қиздай тургандир маъюс?
Балки тенгқур, ҳазилкаш ёр-дўст
Гоҳи-гоҳи эслаб қўярлар.
Гоҳ кексалар бош чайқаб: — Афсус,
Қишлоғин тарк этди, — деярлар.
Сўзингизга асос йўқдир ҳеч,
Таъна қилманг, азиз одамлар.
Сизни ўйлаб ҳар шому ҳар кеч
Ўтгусидир энг ширин дамлар.

Қонимдадир она-юрт меҳри,
Сиздай буюк халқи азимга —
Нафасимда меҳрингиз сеҳри —
Шеърим билан келдим таъзимга.

ШОВУЛЛАГАН ТЕРАКЛАР

Кўп сўлимдир
Она қишлоқ —
Гуркуровнинг марказ кўчаси.
Йўлнинг икки бети
Оқ баданли терак қатор.
Бир маромда шовуллайти
Кундузию кечаси.
Оқ тераклар —
Нақ танбурга ўхшайди,
Ажиб куйлар таратар.
Оҳанглари пахтадай оқ,
Майин, беозор.
Теракларга нуқси урган,
Ғўзанинг —
Икки томон уфқларга туталган
Пахтазор.
Гоҳ виқорли солланади —
Сарвқомат нозанин,
Бир эслатар
Ўғлин кутиб,
Йўл қараган онани.
Оқ тераклар —
Кимларнидир қарши олар
Шовуллаб,

Оҳангида: «Ассалом!» ва
«Хуш келибсиз, қадрдон!»
Қимларнидир кузатади
Шивирлаб,
Гўё айтар:
«Қўришгунча, бўл омон!»
Мен ҳам келсам қишлоғимга
Соғиниб,
Севинчидан қарсак чалар
Тераклар.
Қайтганимда
Маъюс, аста бош чайқаб,
Оғриниб,
Юрагимга гулу солар
Тераклар.
Шунда...
Қафтин ёзиб
Ва оҳиста пичирлаб
Дуо айлаган
Кексаларнинг илиқ меҳри —
Нафасини туйгим келади,
Оқ тераклар баргига бош
Қўйгим келади.

АРХЕОЛОГ

Келажакка интилар ҳамма,
У-чи,

Ўтмишга.

Терс йўлининг йўқдир адоғи,
бўлавермас гарчи доим
аниқ бир режа,
мақсад аён,
чизмоқ керак ўтмиш сувратин
ва тикламоқ тарихнинг
ўчиб кетган

саҳифаларин.

Равон, силлиқ тош йўллардан
қатнамас йиллаб,
паст-текислик,
қияликлар,
тупроқли сўқмоқ...
Қирза этик,
яланг оёқ,
чанг аримас
қошу киприкдан...
Кулбасининг тайини-ку йўқ,
ошени — чодир.
Умр кечар қизиб ётган
қум-тўшакда, гоҳ

ҳатто юлдуз шуъласидан,
нурдан бенасиб
унгурларда,

ғорларда.

Танаввул ҳам ўтмишона:
Нонни сувга ботириб емоқ —
асли лаззат-ку тенгсиз,
шакароб ҳам нақд —
топса бир бош пиёз,
бир коса қатиқ.
Шундагина ўйлар
олис шаҳарда
унинг улушини сочиққа ўраб,
йўл пойлаб ўтирган рафиқасини.
Жажжи қизалорин қиқир-қиқири
бир лаҳзага жаранглару
боз
фикри, нигоҳи
интилади
тупроқнинг

қатламларига.

Тарих ковлар тирноқлаб,
олтин топса севинар,
аммо
панжасига илашса сопол
сиғмай кетар ўз терисига.
Унутади бутун оламини,
Ўзинию
қай асрда
яшаётганин.

Бош чаноғи — янги бир дунё,
девор қолдиқлари,
парчаланган,
дарз кетгану аммо
бўёгин
йўқотмаган расмлар,
ҳайкалчалар,
шакллар —
кенг экранли ленталарга
айланар,
улар
асрлардан ҳикоя сўйлар,
аждодлару шажаралар
қиёфаси,
тутуми;
яшаш,
меҳнат

қуролларидан,
ким бўлгани,
қодирлиги

нимага.

Давом этар ер ковлан
ўйиб тупроғ бағрини,
ичкарига,
чуқурликка кетар оли
ҳар қадами — ўтми
тарихга томон.
Ўйламайди лекин о
кетаётганини,
биноқ аслида

илму фаннинг,
одамзотнинг
келажакка

силжиши учун
ортга босар
у!



— Бир вақтлар...
Истардим ўшандай
Бир умрга қолишни...
Сўзлай билмасдим ҳали,
лекин
ҳаракатим,
йиғимдан
англар эди дилимдагин
ҳамма,
ҳатто,
эндигина тил чиқарган
опам ҳам.

— У пайтлар истакларинг
саноқли эди:
сув,
мамма,
она қучоғию,
ота елкаси.
Кейин
ўйин...
— Энди-чи,
сўзлай олгум ҳатто
бир неча тилда,

айга олгум
дардларимни,
орзуларимни,
ғамларимни,
қувончларимни
ҳатто
ҳисларимнинг таржимони —
назмда.

Лекин
йиғимдан ҳам,
кулгимдан ҳам
англамаслар
ё олишар англамасликка...
оқилу донолар ҳам,
ҳатто
гоҳида
онам...
— Оддий арифметика —
икки карра икки —
тўрт-ку бу,

энди
истакларинг кўлами ҳадсиз,
дардларингнинг дарёси тубсиз,
ҳам
одамлар у эмас,
ҳаёт у эмас,
дунё у эмас...
Энди
одамларнинг ташвиши кўпдир:

пахта, иқлим тақдири,
фазоларнинг,
қитғаларнинг тақдири
тақдирида уларнинг,
юрак умрин
абадий этмоқ
гарданида уларнинг...
Ана шундай
ташвишларнинг уммонида
энди сенинг
дардларинг томчи.
Ўз вақтида
сени англашган,
қайғуришган.
Энди
Ўзгаларни англамоқ
сенинг зиммангда!

БИР ЧАНОҚ...

Бир туп гўза..
Инсон юрагидан рамз олган баргларида
тўрт фасл..
Инсон томирига ўхшаган томирларида
қон айланар
бетиним..
Ҳосилнинг вазнидан
эгик шохлари
Ҳамдардга,
ҳамрозга
илҳақ,
мунтазир.
Унинг бир шоҳидан бир чаноқ
пахта олдим,
Қафтимга тўлди,
Авайлаб кўксимга босдим:
юмшоқ,
иссиқ..
Титради,
эркаланди,
қалбини очди.
Унда,
Хирмонда,
Пайкаллар ичида

чошиб юрган
болакайларнинг
беташвиш кўзларини,
Офтобда қорайган юзларини:
Қуёш остида беланчак қучиб ўтирган
келинчакни,
Унинг юпқа, ҳарир
рўмолини кўрдим.
Унда дўстим юрагининг ҳароратини,
Соф севгиси,
садоқати,
қайноқ меҳрини,
Ғанимларнинг оч назари,
аламини,
қаҳрини,
Ҳасаддан титраётган
панжалари,
васвасаси,
заҳрини кўрдим.
Мен у бир чаноқ пахтада
ўзимнинг,
дўстларимнинг
насиб этилган,
этилмаган,
этилгуси —
Ризқу рўзи — нонини,
Қадим деҳқон,
мард ўзбегимнинг
Манглай тери,
сахий ва пок қалбини,

тиниқ қонини,

Унинг тарихини,
ҳозирини,
келгусини,

Шавкатини,
шонини кўрдим.

Шу бир чаноқ пахтада
Келажак наслимнинг камолини,

Биз ҳақдаги саволининг
жавобини,

Қувнаётган,
ўйлаётган,
куйманаётган

Пахтакор деҳқонни,
Бош ҳарфларда ёзилажак
ИНСОНни кўрдим...

ДЕҲҚОН УЙИ ШИФТИДА

Деҳқон уйи тўрида — меҳроб устида
Бир туп ғўза турар осиглиқ.
Сершоҳ, ғужум-ғужум

очилган пахта...

Завқу сурур олиш учунми,
Меҳмонига кўз-кўзлаш,

Унга боқиб,

Хаёлларга толиш учунми,

Ун икки ой меҳнатини,

Қиш-қировли кунларини,

Бедор ўтган тунларини,

Олган дашном-рағбатини

Гоҳ-гоҳ ёдга солиш учунми;

Самовий чўнг хирмондаги

Ҳиссасини таъкидлаш;

Мақтанишни билмаган

у содда деҳқон

Мақтаниш ё

Мақтангани тийиш учунми,

Ғуж пахтали бир туп ғўзани

Осиб қўйган уйи тўрига?!
Фан, илмдан узоқроқда,

Аммо пахта илмин

Сув қилиб ичган деҳқон

Балки билар,
Балки билмас:
Шу бир туп ғўза пахтасидан
Қанча ипак,
Қанча шойи...
Балки яна қанча
 нарсаларнинг баҳридан ўтиб,
Баланд шифтга — қўл етмас жойга
Ҳавас билан осиб қўйган
Япроқлари қовжираган
 бир туп ғўзани.

Балки ўйлаб,
балки
 шунчаки...
Аммо менга у
Бошга кўтарилган ғурур
ва ифтихор
 бўлиб
 туюлди.

Қ А Р З

Мен сендан қарздорман,
Пахтакор халқим.

Гарчи туғилганман чекка қишлоқда,
Эгатлар ичида қотган суягим.
Товоним қавариб шағал, тошлоқда
Онамга эргашиб, ғингиб юрганам —
Олис тарих эмас, кун-кечайди,
Пахтакор захматин қилолмасдим ҳис;
Оқшомлар онамни кутиб кечарди,
Етиб қолар эдим баъзан намаксиз.
Шаҳарга интилдим балки шул сабаб,
Ўқидим ва топдим қўл қавармас иш.
Жуда кеч, жуда кеч етдим-ку англаб:
Ахир чекмабман-ку сен ҳақда ташвиш.
Сен ҳамон юрибсан пахтазор аро.
Қуёшни далада кутиб, кузатиб:
Бунда мен эғнимга бериб зеб, оро,
Қотирилган оплоқ ёқам тузатиб.
Сўнг гўё ўзимни оқламоқ бўлиб,
Ёзмоққа тутиндим сенинг тўғрингда.
Ҳижою қофия излаб, бўғилиб,
(Шунга ҳам уқув кам эди ўғлингдал)
Захматни тортган сен, мен-чи — керилиб,

Сени олқишладим «жаҳон ойна»дан.
Оёқ босар эдинг бу дам эриниб,
Ҳатто хабаринг йўқ — не гап дунёда.
Бу ҳам етмагандай, пеш қилиб номинг,
Юксак марраларга ваъдалар бердим.
Шеъримда келтирдим иззат-икроминг,
Шеъримда сел, дўлга кўкрагим кердим.
Ҳузурингга чопдим шеър ўқигали,
Гўё сен мадҳимга интиқу зорсан.
Кўз қиймай пайкалдан бош кўтаргали,
Тингларсану... беихтиёр чаноқ изларсан.
Юрагингга таҳдид солар рақамлар,
Нотинчсан,
Кўзинг тўрт: тугатсам тезроқ.
Менинг хаёлимни гулдаста қамрар,
Оғир қўлларингдан илинжим қарсак.
Начора, ҳаёт бу — шундай майдонки,
Ҳар ким кўрсатгуси ўз кароматин.
Қўлимдан келгани сўз экан, токи,
Тилимдан қўймасман пахтакор отин.
Гарчи минг ашъору юз дoston сўзи
Бир кило толанинг босмас вазнини,
Бурчимдир,
бурчимдир,
бурчим
барибир
Умрбод гарданда ҳис этмоқ қарзни!

Мен сендан қарздорман,
Пахтакор халқим.

УША ЙИГИТ УЧУН ВА ЁЗИМ УЧУН

Тонгнинг оппоқ нурларини симиргум,
Шамол, изғиринга кўкрагим кERGUM,
Илк баҳор куннда лолалар тергум
Уша йигит учун ва ёзим учун.

Югурик сувлардан ичаман тўйиб,
Ялпизлар ҳидига меҳримни қўйиб,
Гулбаргга лаб босгум эркалаб, суюб,
Уша йигит учун ва ёзим учун.

Кўксимда иккита инсон юраги,
Иккита юракнинг орзу, тилаги.
Мушкул эмас юлдузларга етмагим
Уша йигит учун ва ёзим учун.

Уйлайман, сўйлайман икки кишилик,
Куйлайман, қувнайман икки кишилик,
Жасоратга шайман — икки кишилик —
Уша йигит учун ва ёзим учун.

Тунларни тонгларга улайман бедор,
Мажбурият, ваъда икки баробар.

Ватан, халқ севгиси қалбда барқарор —
Уша йигит учун ва ўзим учун.

Қурбонлар мардлигин оламга таратгум,
Урушга абадий лаънатлар айтгум,
Истиқболни, келажакни яратгум
Уша йигит учун ва ўзим учун.

КҮНЛАРИМ

Бир қарашда ҳар бир иш куним
роят оддий туюлади

Ўзимга:

нонга чопмоқ,
навбат турмоқ

газета,

сутга...

Нонуштаю

соқол қирмоқ

ва ишга...

Ишда ҳам шу:

югур-югур,

кимнидир тинглайсан,

сўзлайсан кимгадир,

гоҳ ранжийсан,

ранжитасан гоҳ.

Трамвайда туртинишлар баъзида завқли...

Уйга келиб

худди мактаб ўқувчисидай

ирғитасан папкани четга.

«— Дада, нима олиб келдингиз?»

«— Эртага, қизим...»

«— Уғлим, эртага...»

Бир қарашда шундан иборат

бир кун мазмуни...
Ажаб, толиқишга не боис,
недан сочга барвақт тушар оқ?..
Синчиклаброқ титкилайсан мазмумни,
ва англайсан сенинг бир кунинг
миллионлар кунига
қоришиқлигин.
Газеталар, журналлар ранг-баранг,
поёни йўқ оламдаги гапларнинг..
Чаккасига чаноқ қистирган
теримчининг суратидан то —
қитъаларнинг тақдиригача..
Тоза ҳаво ташвиши-ю,
путур етган табиатнинг
табiiйлиги,
ракеталар,
атомлар,
азотлар ва...
оқсиллар..
Қор айби-ла қолиб кетган
ҳосиллар;
ахир
куз яна сал сурилса,
қўшиларди
қанча тонналар,
бўлар эди
юзлар яна
ёруғроқ,
ва ҳоказо..
Булар бари —

миллионларнинг ташвиши,
менинг ташвишим,
қуним,
умрим
мазмун!

* * *

Далалардан кўп олисда яшайман,
Тушларимга кириб чиқар мезонлар.
Сўзлар тизиб унга каманд ташлайман,
Илинади унга барги хазонлар. ,

Тушларимга кириб чиқар мезонлар,
Кўзларимни қамаштирар ялтираб.
Туманларнинг бағрин ёриб, азонлаб
Бир қиз борар қунушиб ҳам қалтираб.

У қиз менга илҳом бўлиб кўринар,
Нигоҳида зоҳир гина, ўпкалаш.
Мезонларнинг қанотида мисли пар —
Учиб юрар, чорлар мени париваш.

Тушларимга кириб чиқар мезонлар,
Қаламимга илашади қатимдек.
Уфқларни кўзлаган оқ карвонлар
Тизилишиб ўтар шеърин сатримдек.

Тушларимга кириб чиқар мезонлар,
Сўзлар тизиб унга каманд ташлайман.
Бир ёқимли шитирлайди хазонлар,
Чала қолган шеърим ёза бошлайман.

ТИМ ҚОРА СОЧЛАР

*Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони
Маъсуда Умаровага*

«Аёл зоти бўлса амалдор,
Етим қолгай ҳислар, туйғулар...»
Бу гап Сизга эмас дахлдор,
Сизга ҳам дахлдор
Севинч,
Қайғулар.

Манман деган йигит ҳам баъзан
Баргдай титраб, фармон куитар, рост.
Сўзлар чиқиб кетар тилингиздан
Бўй қизларнинг шаънига... но хос.

Аскияни қўясиз қийиб,
Хандон отиб куласиз — ўктам,
Овозлар бардам.
Бостириб телпакни,
Этикни кийиб,
Гурсиллатиб
Ташлайсиз қадам.

Лекин Сиз ҳам онасиз,
Ва рафиқасиз:
Уй судуриб,
Ўт ёқасиз

Сахарлар туриб.
Кечалар кутасиз,
Интиқасиз
Уйчан ўлтириб.
Сиз — Аёлсиз:
Елкангизда тўлқин урар
Икки ўрим соч,
Уримларки,
Ҳар биттаси билакдай,
Ҳар биттаси бир қулоч.
Сочки,
Тутинмаган
Оқ ранг-ла ўртоқ,
Тим қора мутлоқ.

Ҳолбуки...
Фақат силанмаган,
Фақат сийланмаган
Сочингиз.
Ҳолбуки,
Елғиз,
Эрка,
Тантиқ қиз
Эмас эди
қувончингиз.

Ҳолбуки,
Тўрт жўжага —
Тўрт укага
Ҳам ота, ҳам она бўлдингиз,

Гул ўрнига
Қўлга кетмон олдингиз
Ўн еттингизда.
Ҳолбуки,
Қизлар энтикиб
Чимилдиққа киришар
Ўн еттисида...

Ҳолбуки,
Бир замонлар
Мизғиб-мудраб қолардингиз
Кесакларга,
Этакдаги кўсакларга
Бош қўйиб.
Ҳолбуки,
Эртак эмас: кунларингиз —
Қиймаган,
Емаган,
Ичмаган
тўйиб...

Ҳолбуки,
Кўп эди
Омонат кўприклар,
нобоп
зиналар,
Ҳасаду
ҳазил...

Ҳолбуки,
Қор,
Емғир,

Дўл ва
 сел,
Ошкора,
Пинҳона
 даккилар
Қақшатгандир
Юк мисоли
Зил-зил...

Ҳолбуки,
Сиз
Тирноқлаб ва
 миққолаб
Яратган пахталарни бир жойга уйса
Оғиб кетар эди
Замин бир томон.
Ҳолбуки,
Эгатлардан Кремлга
Етиб бормак,
Ҳайъат аро
Фурур ила
 хаёл сурмак
Бўлмади осон...

Лекин сочларингиз
ҳануз тим қора...
Наҳот чекмагансиз
Зарра ташвиш,
Зарра ғам?
Наҳот қалбингиз ҳеч бўлмаган пора,

Наҳот асабингиз
Тошдай қаттиқ,
Тошдай мустаҳкам?!

Сиз дейсизки
Ҳазиллашибми,
 кулиб:
«Сочим ўзи шунақа, ўжар,
Оқармайди мени хижолат қилиб.
Эҳ, бу сочлар...
Оқартмади
Қанча-қанча
 қаро тунларни,
Кўзларини қорайтмади
Кимларнинг...
Эҳ, бу сочлар...
Ўзи оқармаса, нетай,
Ҳарис назарлардан
Қайга беркитай...»

ҚУШИМЧА ЮК

Ҳар кимнинг ўз юки бор,
Қўшимча юк оғирдир.
Табиатда неки бор
Нимагадир қодирдир.

Чумолилар дон ташир,
Чумчуқ шолин пучлайди.
Сувлар тўғондан ошур,
Шамол ўтни кучлайди.

Бир ғишт-ла бузилади
Иморатнинг бурчаги.
Зиёд юкдан синади
Араванинг гупчаги.

Бирор томир қирқилса
Бошқасига келар зўр.
Бир толаси узилса
Нимжон тортар арқон, тўр.

Қўшимча юк — қўшимча...
Заифликдан ортгани.
Қувват керакдир шунча
Ўзга юкни тортгани.

Қилмасиң юкимизни
Ўзгаларга тортгулик.
Тортайлик ўзга юкин,
Бўлмайлик қўшимча юк...

ВУЖУДДАГИ УЧ ИНҚИЛОБ

I

Ой ва гуллар унга ҳусн улашар эди,
Яноқдаги чуқурчалар тўлишар эди...

Боғда танҳо кезар чоғи

Сезиб қолди баногоҳ:

Вужудида ўрмаларди

Ёт ва ҳарис бир нигоҳ.

Иzzат-нафси чекди озор,

Қовоқлари уйилди,

Қаҳрин тўплаб қорачуққа,

Ул «ғаним»га тикилди.

Ажаб, не сир, қаҳр ўрнига

Сузилди-ку кўзлари.

Утда, чўғда эритилган

Пўлат жисм сингари.

Қиприklar-ку гарчи эди

Тиғдай ўткир ва санчгир,

Гул юзига ханжар каби

Қадалмади негадир,

Сирғаларди, эркаларди

Бирам юмшоқ ва майин,

Қизнинг боши гир айланиб

Борар эди дам сайин...

Қадби илк бор бир ёқимли,

Бир ёқимли энтикди,

Вужудид алақандай
Узгаришни ҳис этди...

II

Заҳматми, фароғат — нимадир оти,
Сиру синоатми аёл ҳаёти?..
Чимилдиқ дегани торгина бурчак,
Ултирмоқ мумкиндир бўлиб гужанак.
Аммо осмондан ҳам кенг қаср, сарой,
Ой унда олмача эгалламас жой.
Ёрга пешвоз чиқмоқ шу дунё ичра,
Саодат яширин шу маъво ичра,
Жилмайиб узатмоқ бир пиёла чой...
Ҳайкал қўйса лойиқ лаҳза ҳойнаҳой...
Келинлик маъноси шудир эҳтимол,
Ҳаётнинг мазаси шудир эҳтимол:
Тиниқ яноғингдан покиза бўса
Олиб, ёринг сархуш, бахтиёр бўлса...
Сўнг... билак билакка чирманса маҳкам
(Яшамоқ маъноси ўзгариб тамом),
Ялдо кечаси, ҳам ёришиб кетса,
Толелар, тақдирлар қоришиб кетса...

III

Она бўлмоқ... — олий, эзгу заҳматдир,
Ҳар лаҳзаси умрга тенг фурсатдир;
Чўчиб турар, дерлар, кўкда худо ҳам,
Фаришталар юборармиш дамо-дам.

Чунки аёл умрида бу
 Ҳал қилувчи босқичдир,
Қашфиётлар ва келажак
 Қулфига очқичдир.
Ҳал этилар шу тариқа,
 Аёллик қучиб зафар,
Авлод ҳамда давомлилик
 Ҳузур ва изтиробдан,
Олам шундай янгиланар
 Муаммоси ҳар сафар.
Вужуддаги учта босқич
 Ва уч бор инқилобда.

КУЗАКИ ОЛМАЛАР

Дўстим Шодмонбекка

Қизил-қизил,
Сариқ, оқиш олмалар
Ҳал-ҳал пишиб,
Тағларига тушадир.
Тўйиб егач,
Тишлаб отар болалар,
Ёзда тўкин,
Қишда қаҳат — ўшадир.

Кузакининг ларзон-ларзон шохида
Усти қизғиш,
Ости кўм-кўк меваси
Ғужум-ғужум.
Ғўр ва қаттиқ чоғида
Қўл силтайди бесабрроқ эгаси:

«Қуриб кетсин, кузги экан,

тош-а, тош, —

Ҳали-бери маза кирмас қурғурга!
Асли, қилсам бўлар экан айирбош
Ўтган баҳор уни бир туи олхўрига...»
Болакайлар тортқилашар, узилмас,
Тўколмайди шамол ҳам бир донасин.
Тош отишар, калтаклашар, эзилмас,

Табиатга айтар олма ноласин.
Меваларнинг бардошлиси — кузаки,
Биринчи қор ерга тушгач, пишадир.
Қим парвариш этган бўлса юзаки,
Доғ-ҳасратда қўяр мева —
Ўшадир.

Пишганда ҳам тушар фақат саватга,
У — покиза, ўз қадрини билгувчи;
Дастурхонлар тансиқ бўлгач неъматга
Қанду асал мазасини бергувчи;
Куз у билан қардош-қариндошлари —
Қишу баҳор, ёзга юз бўлар тўлуғ.
Умри узоқ,
Умри азиз,
Умри безавол..
Кузакининг хосияти кўп улуғ..

ҚИШ КЕЛАЁТИР

Кулранг тусга кира бошлар кўк,
Булут сузар кўнгли тўлиқиб,
Кун оғзига солган каби сўк,
Сукут сақлар бир четга чиқиб.
Қиш келаётир.

Пайкалларга сингиб кетганлар
Сўлиш олар ростлашиб қадни.
Виждон амрин адо этганлар
Уфқда кўрар оппоқ бир тахтни.
Қиш келаётир.

Замин узра оппоқ гул экиб
Безар қишнинг капалаклари.
Қўлга олар қизлар энтикиб
Чала қолган сеп-палакларин.
Қиш келаётир.

Тупроқ бети оқарган сайин
Ёруғ юзлар ёришар чандон.
Хиждолатли бўлса ким, тайин
Қамашади кўзи зиёдан...
Қиш келаётир.

Пахтакорнинг ҳорғин нигоҳи
Равшан тортиб, кўкдан нур соғар.
Унга очиқ кўклам даргоҳи..
Оппоқ-ойдин орзулар ёғар,
Қиш келаётир.

* * *

Қорақалпоқ, ҳаяжон билан
Келдим сенга саҳролар ошиб.
Гўё илк бор висолга чиққан
Ошиқ каби энтикиб, жўшиб.

Туйғуларим мисоли елкан
Аму узра кезар эдилар..
Бизнинг элга илк бор келган
Олиб кетар бир қиз, дедилар.

Гарчи бунда қизлар дилрабо,
Кўзлари ўт, қалблари ёниқ.
Мен келмадим қиз учун, аммо,
Дўст орттириб, кетишим аниқ.

БАХТ

Йўллар узун, манзиллар беҳад,
Поёнига етиб бўлмас ҳеч қачон.
Гуллар кўпу ва лекин минбаъд
Йўқдир ҳидлаб чиқишга имкон.

Орзу китоблари, ишқ қиссалари...
Икки бор умр ҳам етмас ўқишга.
Ёзилмаган эртак, афсона — баринг
Қурбинг етмас тўқишга.

Умрки,
Қонгунча яшай олмайсан.
Ул — шароб,
Ул — бўса,
Тўймайсан,
тўймайсан...

ҚҰМСАШ

Бир эртак айтиб беринг
менга, онажон...

Кезиб келдим кўп йўлларни,
Сиз билмаган манзилларни,
Ҳар хил диллар ва қалбларни,
Бир эртак айтиб беринг.

Эртагингиз узун бўлсин,
Майли бир оз ҳазин бўлсин,
Фақат унда мазмун бўлсин,
Бир эртак айтиб беринг.

Гоҳ ўртаниб, гоҳ ёнайин,
Хўрсинай, гоҳ қувонайин,
Эҳтиросга бир қонайин,
Бир эртак айтиб беринг.

Бағрингизда бола мисол
Эркаланай хўп, бемалол,
Гўдакларча сурай хаёл,
Бир эртак айтиб беринг.

Ҳусн рамзи — ой ҳақида,
Зилол-зилол сой ҳақида,

Уйнаб юрган той ҳақида
Бир эртак айтиб беринг.

- Ақлу ҳикмат ҳар одимда,
Жиддийлашиб кетдик жуда,
Эртак кўмсар дил гоҳида,
• Бир эртак айтиб беринг.

Бир эртак айтиб беринг
Менга, онажон...

СУҲБАТЛАР

Инсонликнинг аввал-охирини суҳбат,
Салом-сабабият оқибат — алик.
Физика тилида — манфий ва мусбат,
Акс этар гўзаллик гоҳо дағаллик.

Меҳнатнинг ҳордиғи, дарднинг шифоси,
Дилларни вобаста этган буюк куч.
Мағлубнинг қайғуси, ғолиб сафоси,
Унда мужассамдир ташвиш ва суюнч...

...Чоллар суҳбатининг бўлдим гувоҳи
Қишлоқдаги гавжум бир чойхонада.
Чексиз оламдай кенг қалби — даргоҳи,
Қўллар фотиҳада, тил шукронада.

Сўзлари оддий-у, мавзуи улуғ,
«Келинлар далага чопар саҳарлаб».
«Қайси бригада гўзаси бўлиқ?»
«Тадбиркор чиқди-да раисимиз зап».

«Шартнома юз бўлсин ўтган йилгидай».
«Бу йил саратоннинг иссиқ келиши
Хирмонларга таъсир кўрсатар қандай?»
«Хосиятсиз — гарбдан шамол елиши».

«Фалончи ўғлига тўй қилмоқчийди,
Биздан кўмак лозим, қўли қисқароқ».
Хулласки, бири у, бири бу дейди,
Халқаро аҳволдан ташланар сўроқ.

Аёллар гурунгин мавзуи бўлак,
Бир оз бошқачадир моҳияти ҳам:
Янги нусхадаги пальтою кўйлак,
«Қай келинда сеп кўп, қай бирида кам».

Ким қимнинг тенги-ю, ким тенги эмас,
Ким ўғил туғибди, қиз кўрмоқчи ким.
Гўзаллик, нафислик бўлгани-чун хос
Суҳбат ҳам гўзал ва нафисдир балким...

Севги қайғусида романтик ёшлар:
Қай йўсин ишқ изҳор этгани маъқул?
Бунча кўп бахмал кўз, қайрилма қошлар,
Лолагул, чиннигул — бариси ҳам гул.

«Спартак» зўрмиди ё «Телба дунё»,
«Ҳаётда бормикин ҳақиқий Кумуш?»
«Коммунизм тезроқ этилса бунёд,
Балки камаярди деҳқонга юмуш?»

«Фазо муаммоси қандай бўларкан,
Техника, тиббиёт, хулқу одатлар?»

«Савдогар, порахӯр йўқолармикин,
Тугарми нолишлар ва шикоятлар...»

...Давралар хилма-хил, суҳбат хилма-хил,
Моҳият — мамнунлик, истак ҳаётдан.
Суҳбат етаклайди тарихни, ахир,
Инқилоблар бошлагандир суҳбатдан.

ЧИНОР

Бир чинор бор учкўчамиз
Муюлишида,
Қишлоғимиз нақ биқини —
Кун юришида.
Кекса эди, аммо ҳамон
Шохлари метин,
Тарвақайлаб япроқлари
Ҳилпирар бетин.
Кундан тўсар кам деганда
Бир таноб ерни,
Писанд қилмас на довулни,
На чақмоқ, селни.
Остидаги чойхонада
Езу қиш гаштак,
Уйин-кулги ва қаҳқаҳа,
Аския, қарсак.
«Бит-билдиқ»нинг оҳангидан
Маст бўлиб қуёш
Мўралайди тоғдан аста
Кўтарганда бош.
Маҳобатли танасига
Етмас ўн қулоч,
Икки аср ва тузумга
Балки у тилмоч...

Сўраб кўрдим, мўйсафидлар
Елка қисар жим,
Айтишолмас ёшинию
Ўтқазганин ким.
«...Мен эсимни таниганда
Ҳам у бор эди,
Босмачилар осилган ҳам
Шу чинор эди...»
Қўниб ўтган бунда қанча
Нозиру софир,
Паноҳ топган қанча дарвиш,
Қанча мусофир.
Қим ўтмади чойхонадан,
Чинор тагидан,
Тушмаслар ҳам ўтди эгар
Ва узангидан.
Отлиқларга ҳовучида
Сув ичирганлар,
Қўлтиғига кириб дарҳол
Тўн ечирганлар:
Ўтди не-не зарбоф чопон
Ва юпунлар ҳам,
Не-не ойдин кечалар ва
Мудҳиш тунлар ҳам;
Эрмак учун ханжар билан
Бағрин тилганлар,
Кўксига миҳ қоқиб, унга
Салла илганлар...
Ўткинчими, кетгинчими,
Яхшию ёмон —

Бир пиёла чой ичмаса
Дилида армон,
Шакар гуфтор... суюнч хабар
Шунда барчаси,
Аҳён-аҳён ўрмалар ҳам
Ғийбат шарпаси.
Бевақт хазон бўлган ғунча
Ҳангомаси ҳам,
Ўғил-қизлар тарбияти,
Можароси ҳам.
Тепасига қараб қўймас
Ҳатто баъзилар,
Чой ҳўплайди томоқ қириб,
Мутлоқ беназар —
Ултирибди қай дарахтнинг
Кўланкасида,
Чинор қайда — сув бўйи, ё
Жар ёқасида?..
Танасига суянганлар
Бунча ҳаводор,
«Девор» гўё бобосидан
Қолган ёдгор..
Чинор зарра пинак бузмас,
Уймас қовоғин,
Сиякитиб ҳам қўймас ҳатто
Бирон япроғин.
Яхши-ёмон полопонин
Эркалаб бирдек
Қанот ости-ўз бағрига
Олган бургутдек;

Сукут ичра қалқон қилиб
Қўксин одатан,
Шамоллардан, қуюнлардан,
Ёмғирдан, дўлдан...
Эвазига ҳеч кимсадан
Қутмас мурувват —
Қаҳратонда, жавзада ҳам. —
Бунда не ҳикмат?
Табиатан ўхшайдими
Халқимизга ё:
Меҳмон жони-дили доим,
Нолимас асло.
Лоқайд, ҳиссиз бўлса қачон
Қуриб битарди,
Яшин уриб, ёки ўтин
Бўлиб кетарди.

ШОВҚИН

Эҳ, одамзот, нечун сизга ёқмай қолди
шовқинлар,

Нозиклашиб кетди бунча таъбингиз?

Ором бермай қўйди ҳатто

Дарё мавжи, тўлқинлар,

Чигиртканинг сасидан ҳам

Қочар баъзан хобингиз.

Димиқмаган эдингизми

Унгурларда,

Ғорларда,

Сукунатдан безганингиз

Наҳот чиқди хотирдан.

Вақт кечирмоқ истайсизми

Энди ҳоли «бар»ларда,

Жимирламас кўл бўйида

Ё кимсасиз тор,

қирда?..

Хўш, айтинг-чи,

Ким кашф этди

Болға

ёхуд

милтиқни?

Паровозни

ва

гудокни,

Бульдозерни топган ким?
Аэроплан,

автомобиль...

Бомба кимнинг татқиқи,
Жавоб беринг, ўртоқ Инсон,
Нечун лолсиз,
Нечун жим?

Инсонлар-ку, ахир инсон —
Барин қилган

расида.

Нечун энди кашфингиздан —
Ўзингиздан қочасиз?

Янглишасиз,

Ўзингизни овитасиз

ва алдайсиз,

Аслида

Ҳали янги шовқинларнинг

Манбаини очасиз,

Фақат энди ишин тутинг

Оғзи куйган одамнинг:

Ўз кашфингиз ўзингизга

Яна бало бўлмасин!

Сабабчиси бўлмасин ҳеч

Умумқайғу,

мотамнинг,

Само,

Ҳаво —

Аччиқ,

Сассиқ

заҳарларга тўлмасин!

Чидаш мумкин бўлак жами
 садолару суронга,
Чидар гўдак юраги ҳам —
 шовқин агар беғараз.
Ракета из солаберсин
 туллари қаҳқашонга,
Онанинг шод алласи ҳам
 эшитилиб турса
 бас!

СУЗЛАР

Бу дунёда неки мавжуд —

Ўткинчи ва омонат:

табиатнинг хулқ-атвори,

табиати инсоннинг.

Алам билан эътироф ҳам

этмоққа мен мажбурман,

ки жозоба,

гўзаллик,

шира томиб турган лаб...

жон олгувчи

кўзлар ҳам —

бари,

бари

турланувчи,

Ўткинчи!

Чунки инсон

келгувчи ва

кетгувчи...

Табиат — ўзгарувчан,

Фасллар — турланувчи...

Ҳаммасига чидайман

қўйиб сабрим,

бардошимни
гаровга!

Бироқ сиз ўзгарсангиз,
турлансангиз мабодо
тарс узилар
тоқатимнинг таранг торлари,
ки, дунёда икки нарса
мангуликка ҳақлидир
яъни

«сўз» ва «соз»!

О, «яшамоқ»,
«Она», «Ватан»,
«севги», «қучмоқ»...

«илк» бўса»...

деган сўзлар
нечоғ тотли,
лаззатдир,

умр маъниси — фароғат.
Қоинот ва мавжудот ҳам

Шул сўзлар гарданида
турар елда тебраниб.

Сўзларнинг поклиги — осмон софлиги,
сўзлар зилоллиги — ер шаффофлиги,
сўзлар садоқати — дил ҳаловати,
сўзлар ҳарорати — қалб жасорати...

Қўйингки,
осмоннинг

тиргак-устуни,
ҳаётнинг чизиғи,

мазмунни — сўзлар...

Агар сиз ўзгарсангиз,
турлансангиз сиз агар,
унда осмон қулаши,
ҳаёт — издан,
 мазмундан,
ер — ўқидан
мумкин
 чиқиб кетмоғи...
Яъни, айтай, лоақал:
«камтар»,
«содда»,
«ақлли»
деган сўзлар инсонга
 сифат бўлолмай қолса:
ўрин, мазмун алмашиб,
«рақиб»ларин
 қисиб қўйса бир четга:
«муғомбир»,
«қув»,
«фаранг»... сўзлари,
«Таниш-билиш» моҳияти
 бўлак тус ва ранг олса;
«Пахта»,
«оқлик»,
 жўн сўзларга айланса:
Ҳеч бир қадри
ва заҳмати қолмаса
«вафо»,
«иффат»,
 «ўпич»нинг...

Ҳаққинг йўқдир
Эй, «Тинчлик!» —
Масхарабоз

ё уқувсиз дорбоздай
лик-лик қилиб муаллақ,
ўйнатмоққа юракларни,
таҳликалар солмоққа!

«Гап билгунча, иш билгил»дан
афзал бўлиб қолса гар
заҳарханда бир ибора:
«Иш билганга бир мири...»

Ёки ўша —
тарихнинг мағзи сингган
«иш кўзин билмоқ» —
ўз жонини,
ҳузурини ўйламоқ,
топмоқ бойлик калитин,
деган совуқ
маъноларга
айланса!..

Унда ўт очаман,
жанг қиламан
сизларга қарши —
сўзларга қарши.
Унда гунглик аъло менга,
Унда гунглик раво менга!

КУРТАК

Куртак ўхшар эди бокира қизга,
Ултирарди парда тутиб юзига.
Уни алдаб ўпди баҳор қуёши
Кейин ташлаб кетди аямажузга.

БОЛА, ЁСМИР ВА МЕН

Боғда қувар капалакни болакай,
Шу шаҳдида тутмагунча қўймайди...
Бир ўспирин қизил гулга пайдар-пай
лаб босади,
энтикади,
тўймайди.

Ийманаман қувалашга капалак,
Гул бандига оҳиста қўл чўзаман...
Соқчилардай йўлатмайди тиканак,
Кафтларимдан қон тирқираб,
узаман.

Аммо пардай тўзиб кетар гулбарглар,
Дилда — армон,
Улоқтириб бандини,
Қўлим тишлаб ва ёсмирга терс қараб,
Алам билан тилайман
омадини...

У К И Н Ч

Қизалоқнинг қошидай ҳилол,
Гўё кўкка ярашиқ бир ҳол,
Ой бошида қиздай кўзланиб,
Замин томон нозли юзланиб,
Кундан-кунга тўлиша борар,
Сўнгра ширин хаёлга толар;
«Тикилмаса ошиқлар бунча,
Ҳуснимга мадҳ, қўшиқлар бунча...»
Юлдузлар ҳам мажнун наздида,
Фурурланиб чирой, бастидан,
Толдирай деб маҳбублар кўзин,
Торта бошлар панага ўзин.
Бироқ умри ўтиб боради,
Тун қаърига ютиб боради...
Қари қиз қисмати тушар бошига,
Ҳиссизлик ёш қўшар яна ёшига.
Сўнг мисоли лорсилдоқ жувон,
Ҳаллослару йўрғалар ҳамон.
Нени излар, талпинар қаён?
(Балки фақат ўзига аён).
Булутларни суриб югурар,
Тонг юлдузин қувиб югурар.
Чопган сари илинж-ла муштоқ,
Тун домига тортар кучлироқ.

Шунда барҳам бериб кўнгил майлига,
Тундан қутилмоқнинг тушар пайига.
Югуриб, елади оҳ тортиб,
Қимсасиз кечани ёрнтиб.
Энди у шунга ҳам қилади шукур,
Галдаги умиди тонготар эрур.
Ниҳоят тонг отиб етар манзилга,
Уфурар таскинбахш субҳ-сабо дилга.
Алам қилар унга баттарроқ аммо:
Ошиқ ҳам, юлдуз ҳам боқмайди қиё.
Шамолсиз, елкансиз қолгандай кема,
Муаллақ сузаркан, босар ваҳима:
«Бошқачароқ кечар, дер, янги умрим, —
Оқшомдан тонггача сочайин нурим...»
Лек ҳар кун айтару афсус, таассуб,
Бошқачароқ яшаш бўлмайди насиб.

* * *

Юксак чўққиларни кўзларди доим,
Муस्ताқил из солмоқ эди орзуси.
Бир кун оппоқ қирлар, кенгликлар мун
Пўл олди тирмашиб
қоялар сари.
Оқшом чўққиди у қояга етай деганда,
кўзларига парда тортди
симобранг туман.
Чўққилар ҳам ғойиб бўлди
булутларнинг
бағрига сингиб.

Пўқолди йўл,
мўлжал йўқолди,
тун қорайиб борар эди
лаҳзалар сайин.
Боши қотди,
ҳадик босди,
сўнг
ўз изларини пайпаслаганча
ортга қайтди
илдам ва
илдам...

ДЕВОРЛАР

Евг. Евтушенкога ўхшашма

Элас-элас эслайман фақат —
тўрт девордан иборат ҳовли,
Деворларки,
ҳатто
етмас эди
икки газ чамаси
бобомнинг бўйи.

Баланд уришмаса
деворни бунча, —
ўйлардим —
қўшнимизнинг
қантак ўригига
кўзим тушган чоқ.

Ғиллар ўтди.
Улғайдим.
Нуради,
қулади девор.
Тахта қоқдик
кашаклаб,
зичлаб.
Нега керак эди шу тўсиқ,
хунобим ошди —

қўшни қизга мактуб бигиб,
тирқиш излаган пайтда.

Сувлар оқди.

Еш ўтди.

Чириди тахта.

Бу гал

ўйламади

ҳеч ким

деворни.

Ҳовлимиз —

бир бўлиб кетди

кўча билан,

кенг дала билан —

бир бўлиб кетгандай

диллар...

* * *

— Мен бораман сен томон,
Тоғ ястанар пойимга.
Сукут сақлар шаршара,
Қоя келар таъзимга.

Елғизоёқ сўқмоққа
Ўзин тушар камалак.
Энтикади майсалар,
Рақсга тушар капалак.

Мендан ўзиб кетар ой
Сенга хабар бергали,
Зухро тушар заминга
«Келин салом» кўргали.

Кўкни титратган яшин
Чизиқ каби тек қотар.
Ел эсар бир мулойим,
Алвон-алвон тонг отар.

Мен бораман сен томон...

Турсунойга

Кўплар жуфт-жуфт келишар-да олисдан,
Чорраҳада қайрилар икки ёққа.
Биз учрашиб чорраҳада туйқусдан,
Тушиб олдик ёлғизоёқ сўқмоққа.

Шунчаки йўлдошмиз,
Шунчаки ҳамроҳ..
Оҳ-воҳлар чекмаганмиз ўртаниб..
Аммо ёқа ситиб, титраб, оҳ-воҳ
Чекканлардай
Қетмасмиз тониб.

НАЙ КУЙИ

Қиз қўшиғи

Маст бўлиб най куйига,
Чиқсам ариқ бўйига,
Сув энтикиб-энтикиб,
Оқиб борар қуйига.

Оҳанг учар олисга,
Барглар тушар рақсга.
Гуллар майини тебраниб,
Чорлар мени баҳсга.

Йигит чалар — тонг кулар,
Кўкда қуёш оқ урар.
Ишқ-вафони куйлайди.
Юрагимни сел қилар.

Еллар ўйнар рўмолим,
Олам кезар хаёлим.
Дил талпинар куйчига,
Келмасмикин малолним?

Маст бўлиб най куйига,
Чиқсам ариқ бўйига,
Сув энтикиб-энтикиб,
Оқиб борар қуйига.

БИР ДУСТИМНИНГ ТУИДА

Ҳазил

Уй тўрида ўлтирибсан,
Ўнгинанга маҳбубанг,
Шовқин-сурон, табриклардан,
Қарсақлардан хўп гаранг.
Шодлигингни яширолмас
Лавлаги ранг юзларинг,
Гоҳи пинҳон, гоҳи ошкор
Енга боқар кўзларинг.
Гоҳи зимдан кўз ташлайсан
Одамларга мўлтираб,
Кувёнга хос салобат-ла
Иягинга қўл тираб.
Ҳаммамизга гап бермасдинг
«Уйланиш; бу — тузоқ» деб.
Мана энди лаб тишлайсан
«Фалсафанг»дан афсус еб.
Кезиб юрган бўлсанг керак
Балки арши аълода,
Сен ўзингни энг бахтиёр
Инсон сезиб дунёда.
Кечагина бўйдоқ эдинг
Сен ҳам биздек жўн ва гўр.
Мана бугун ул рўйхатдан
Ўчирилдинг бир умр.

Шу лахзадан бўйдоқликни
Қўмсаш бору қайтиш йўқ.
(Дўстим, бу бир ҳаётин сир,
Бировларга айтиш йўқ.)
Эрта тонгдан гул ўрнига
Сабзи-пиёз таширсан,
Турмуш отлиғ дошқозонда
Қайнарсану пишурсан.
Айгай яна кайф ошмасдан,
Чиқмай туриб ёдимдан:
«Олахуржун» деган жумбоқ
Ибора бор қадимдан.
Тотиб кўриб, чақиб кўриб
Уша нақл мағзини,
Сўнгра бизга шархлагайсан
Моҳияти, вазини.
Майли дўстим, хафамасмиз
Озайса ҳам сафимиз,
Бахтинг учун кўтарайлик,
Жойидадир кайфимиз.
Тортгил бизни ўз сафинга,
Сафимизга қайтма ҳеч,
Шундай сафга кирсак дея
Ҳаприқади дил бу кеч.

Сен узоқдан кўзни ўйнатар
Қоғоз гулга ўхшамасанг гар,
Толеинг мангу.

Асл ҳидинг кўнглимга урса,
Кўзим қоғоз гулга юурса
Бахтсизлигим шу.

* * *

- Вужудинг тарк этди бағримни,
Лекин ҳали қувонма,
• Уйинқароқ, бебош қалбингни
Сатрларга жойлаб олганман.

Мен ана шу шеъримни —
Бир варақ қоғозни
Кўксимга босаман.
Шундай қаттиқ босаманки,
Мижигланган қоғознинг қирралари
ботиб,
оғриб кетар кўкрак қафасим.
Бироқ ажаб,
миқ этмайди,
титрамайди юрагим...
Чунки у йўқ эди жойида...

* * *

Ажралишдик сен-ла, дилбарим,
Ҳаммаси тугади, ваъдалар бир пул.
Вафо қондасин бузди бунда ким —
Мен шуни ўйлайман, ўйлайман нуқул.

Бегуноҳ севгига раҳм қилмадинг,
Мен ҳам этолмадим мурувват, эсиэ...
Сен ҳам бош эгишни лозим билмадинг,
Мен эса қаршингда чўколмадим тиз.

МУНДАРИЖА

Бағишлов	3
Шовуллаган тераклар	5
Археолог	7
«Бир вақтлар...»	11
Бир чаноқ	14
Деҳқон уйи тўрида	17
Қарз!	19
Уша йигит учун ва ўзим учун	21
Кунларим	23
«Далалардан кўп олисда...»	26
Тим қора сочлар	27
Қўшимча юк	32
Вужуддаги уч инқилоб	34
Кузаки олмалар	37
Қиш келаётир	39
«Қорақалпоқ, ҳаяжон билан...»	41
Бахт	42
Қўмсаш	43
Суҳбатлар	45
Чинор	48
Шовқин	52
Сўзлар	55
Куртак	59
Бола, ўсмир ва мен	60

Укинч	61
«Юксак чўққиларни...»	63
Деворлар	64
«Мен бораман сен томон...»	66
«Кўплар жуфт-жуфт...»	67
Най куйи	68
Бир дўстимнинг тўйида	69
«Сен узоқдан...»	71
«Вужудинг тарк этди...»	72
«Ажралишдик...»	73